

Бақара сураси, 123-оят

05:45 / 20.11.2017 3346

Бир жон бошқа жондан ҳеч нарсани адо қила олмайдиган, ундан тўлов қабул қилинмайдиган, унга шафоат фойда бермайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган Кундан қўрқинг! Бақара 123.

Сураинг аввалидан ушбу жойигача аҳли китоблар ва мушриклар билан тортишувлар ҳақидаги оятлар келди. Ҳар тоифа ўзининг ҳақлигини исбот қилишга уриниб кўрди. Деярли ҳаммалари ўзларини тўғри фаҳлаб, бошқаларини камситишга уринди. Ҳаммаси ўзининг насл-насаби зўр экани билан фахрланди. Уларнинг фахрланишларига тарихан қарайдиган бўлсак, ҳаммалари Аллоҳнинг буюк пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломнинг насли эканидан, ҳаммалари у зотнинг динига мансублигидан ғурурланишлари кўринади. Яҳудийлар Иброҳим алайҳиссаломнинг кичик ўғиллари Исҳоқ алайҳиссаломга авлод бўладилар. Аввалги барча пайғамбарлар у кишининг наслидандир. Бану Исроил шундан фахрланиб юради. Араб мушриклари эса Иброҳим алайҳиссаломнинг катта ўғиллари Исмоил алайҳиссаломдан тарқалганлар. Улар Иброҳим алайҳиссалом Исмоил алайҳиссалом билан бирга қурган Байтуллоҳга эга эканликлари билан фахрланадилар. У зотга мансублиklarини ўзларига катта обрў деб биладилар. Демак, икки тараф ҳам Иброҳим алайҳиссаломни ўзининг катта бобоси деб ҳисоблайди. Ўзларини у кишининг давомчилари деб санайдилар. Хўш, уларнинг ушбу даъволари тўғрими?! Ушбу саволга жавоб кейинги оятларда келади.

Аввалги оятларда Аллоҳ таоло томонидан илоҳий кўрсатмани қабул қилиб олиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш орқали икки дунё бахт-саодатига эга бўлишлари кўзда тутилган мусулмонларга худди шунга ўхшаш кўрсатмаларни қабул этиб олиб, уларга амал қилмай, Аллоҳнинг лаънатига учраган яҳудийларнинг қиссаси ўртак учун келтирилган эди. Эндиги оятларда Аллоҳдан келган ҳидоятни ёлғиз бир киши бўлса ҳам, қандай қилиб маҳкам тутиши лозимлиги Иброҳим алайҳиссалом мисолларида кўрсатилади.